



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 21 май, № 106 (7608)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ВАТАНИМИЗНИНГ ОЛТИН ОСТАНАСИ ТОШКЕНТ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 май куни пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташриф буюрди.

Бу борадаги режа 2017 йил 3 февраль куни мазкур боққа ташриф чоғида белгиланган эди. Ўша йили 18 апрелда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилиниб, хиёбоннинг меъморий-ғоявий лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўтган вақт мобайнида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, 8 гектардан зиёд майдонда Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли яратилди.

Илгари бу ерда саноклигина адибларимизнинг ҳайкали бўлар ва бу гўё Алишер Навоийдан сўнг юртимиздан истеъдодли шоирлар етишиб чиқмагандай таассурот қолдирар эди.

Шу боис Адиблар хиёбонини ғоявий-бадий жиҳатдан янада бойитиш мақсадида Бобур, Оғажий, Бердак, Муқимий, Фурқат, Бехбудий, Авлоний, Чўлпон, Қодирий, Т. Қайипбергенов, И. Юсупов, А. Файнберг сингари атоқли номандалар хотирасига бағишланган янги ёдгорлик мажмуалари ҳам яратилди.

Ҳазрат Навоий бобомизнинг мухташам ҳайкали атрофида 20 дан зиёд атоқли шоир ва адибларнинг ҳайкаллари яхлит меъморий ва бадий композицияда, мантиқий ечим асосида жойлаштирилди. Шу ерда Ёзувчилар уюшмаси учун бирда эъланган ҳам ҳамоҳанглик касб этди.

Давлатимиз раҳбари Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди. Хиёбонда амалга оширилган ишлар ва яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар билан учрашувда миллий адабиётимизни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, галдаги муҳим вазифалар ҳақида сўз борди.

— Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан қучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, бой маданиятимизга муносиб буюк адабиёт

яратиш учун ҳамма шароитларни ҳозирлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизда ижодкорларнинг асарлари доимий равишда чоп этиляпти. Энди уларни дунёга олиб чиқиш кераклиги таъкидланди. Масалан, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Ўлпон сингари ижодкорларнинг асарлари хорижий тилларда нашр этилмоқда. Лекин бу ишлар таржимонларнинг ўз ташаббуси ва қизиқиши билан бўляпти.

Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ташаббускор бўлиши, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан биргаликда ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини турли тилларга таржима қилиб, нашр этиши зарурлиги қайд этилди.

Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилди. Хиёбон билангина чекланиб қолмасдан, адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўли ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлиги таъкидланди.

— **Замонамиз қахрамонлари, деб кўп гапиримиз. Бугун бу қахрамонлар коронавирусга қарши курашаётган фидойи шифокорларимиз, мард ҳарбийларимиз, саховатли тadbиркорларимиз, ватанпарвар ёшларимиздир. Уларнинг жасорати ҳақида ўқишни ҳаммамиз хоҳлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Бугунги ёшлар интернетдан, электрон адабиётлардан кўпроқ фойдаланиши, лекин миллий адабиётимиз хазинасини интернетда тарғиб этиш яхши йўлга қўйилмагани қайд этилди.

Шу боис Президентимиз «Адиблар хиёбони» деб номланган интернет портали ташкил қилиш таклифини билдирди. Унда мумтоз ва замонавий асарларнинг электрон нусхалари, ёзувчи ва адабиётшуносларнинг маҳорат сабоқлари жамланади. Портал ўзбек, инглиз ва рус тилларида фаолият кўрсатса, ундан хорижлик мухлис ва мутахассис-

лар ҳам фойдаланиши учун имконият яратилади.

Шу ерда олий таълим муассасаларининг адиблар ижодини ўрганиш бўйича тақдимотлари ўтказилди. Давлатимиз раҳбари хиёбон ёнида ташкил этилган кутубхонани ҳам кўздан кечирди.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 11 январь куни пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари билан танишув чоғида Тошкент шаҳри музейини ташкил этиш бўйича тавсиялар берган эди. Адиблар хиёбони ёнидаги биро реконструкция қилиниб, мазкур музей шу ерда барпо этилди.

Буюк Ипақ йўлининг гавжум чорраҳасида жойлашган Тошкент асрлар давомида илм-фан, маданият ва маърифат марказларидан бўлиб келган. Ватанимизнинг олтин остонаси бўлиши пойтахтимиз бугунги кунда янада ривожланиб, гўзал ва кўркам мегаполислардан бирига айланиб бормоқда. Лекин шундай катта шахар шу вақтга қадар ўз музейига эга эмас эди.

Тошкент шаҳри музейи 2200 йиллик тарихга эга бўлган худуднинг қадим ўтмиши, урф-одат ва аъналарини, илм-фани, маданияти ва санъатини ўзида акс эттиради. Ҳозиргача бу ерда мингга яқин экспонатлар тўпланган. Музей фонди муттасил бойитиб борилади.

Биринчи қаватда «Тошкент — илм-фан маркази», «Тошкент — бағрикенглик шаҳри», «Амалий санъат. Қундалик ҳаёт ва маданият» деб номланган экспозициялар ташкил этилган. Иккинчи қаватда қадимий иш куроллари, хўжалик буюмлари, қадамжоларнинг макетлари намойишга қўйилган.

Экспонатларга ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар билан шарҳ берилган. Мониторлар, инфокиосклар ва бошқа технологиялар ёрдамида кўшимча маълумотлар тақдим этилади.

— Бу биринчи қадам, — деди Шавкат Мирзиёев. — Тошкентда илмий тадқиқотлар учун жуда катта манба бор. Лекин шу пайтгача яхлит ва тўлиқ ўрганилмаган. Энди 2200 йиллик тарихни даврма-давр ўрганиш, музейни ашёвий далиллар билан бойитиб, шахар цивилизациясини тўла юзага чиқариш керак.

Шу мақсадда илмий-тадқиқот институти ташкил қилиш, археологларга шароит яратиш, изла-нишлар натижаси бўйича китоблар чоп этиш зарурлиги таъкидланди.

Ёшларни, ўқувчиларни бу ерга олиб келиш, бошқа шаҳарларда ҳам шундай музейлар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Музей Адиблар хиёбони ёнида ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Ёзувчи ва шоирлар, тарихнавислар унинг фаолиятини жонлантириш, хорижликларга тарғиб этишга хисса қўшади.

Тошкентнинг Яшнобод туманида Болалар миллий тиббиёт маркази барпо этилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ушбу муассасани ҳам бориб кўрди.

Лойиҳа қиймати 130 миллион доллардан зиёд бўлган мазкур марказ Корея Республикаси кўмағида, «Баум» корпорацияси лойиҳаси асосида барпо этилди. Бу юқори технологиялар асосида акс эттиради. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ушбу муассасани ҳам бориб кўрди.

Тўрт қаватли даволаш корпуси 280 ўринга эга, поликлиника кўнига 250 нафаргача бемор қабул қилади. Марказ магнит резонанс томографи, мультиспирал компьютер томографи, ДНК анализатори ҳамда онкологик касалликларни барвақт аниқлайдиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда фаолият юритиш учун 100 дан ортиқ врач ва ҳамширалар Жанубий Кореяда малака ошириб қайтди.

Жарроҳлик амалиёти ускуналарига махсус камера ўрнатилган бўлиб, бошқа шифохоналар ва олий таълим муассасалари операцияларни онлайн тарзда кузатиб бориши мумкин. Замонавий технологиялар орқали ма-софавий тиббий кўриқлар ҳамда консилиумлар ташкил этилади, даволашнинг таъсирчан усуллари муҳокама қилинади.

— Бу марказ — миллий бойлигимиз. Бу ерда болаларни малакали даволаш билан бирга замонавий телемедицина технологиялари асосида мамлакатимиз худудларида ҳам юқори

сифатли тиббий хизматларни йўлга қўйиш керак, — деди Президент.

Болалар медицинаси йўналишида инновацион изланишлар олиб бориш, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ва юқори технологик муолажаларни ташкил этиш, тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари клиникада яратилган шароитлар билан танишди. Ситуацион марказда бўлиб, вилоятлардаги ва Жанубий Кореядаги Пусан университет мутахассислари билан мулоқот қилди.

Ушбу марказ ёнида катталар учун ҳам замонавий клиника ҳамда олий ўқув юрти ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур муассасалар лойиҳаси тақдимот қилинди.

— Болалар ва катталар тиббиёт марказларининг худудларда филиаллари бўлади. Шу орқали тиббиёт тизимининг ҳам илмини, ҳам амалиётини энг илгор стандартлар даражасига кўтариб оламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Охангарон шоссеси ва Махтумқули кўчаси кесилиш-сидаги йўлўтказгични кўздан кечирди.

Кейинги уч йилда Тошкент шаҳрида энгил автомобиллар сони 95 минггага кўпайган. Худудлардан пойтахтга келиб-кетаётган машиналар сони ҳам ошмоқда. Шу боис кўчаларнинг ўтказувчанлигини ошириш, тирбандликларни камайтириш мақсадида ўтган 3 йилда 4 та йўлўтказгич қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Охангарон шоссеси Тошкент халқа йўлининг бир қисми. Махтумқули кўчасининг янги қисми битказилган, ушбу йўлларда транспорт ҳаракати янада ортиган эди. Мазкур кўчалар кесилишмасида 2018 йилда бошланган лойиҳа бу йил рўёбга чиқиб, ҳайдовчиларга жуда катта қулайлик яратди.

Мазкур транспорт ечимини уч поғонадан иборат бўлиб, туннел узунлиги 593 метр, халқа шаклидаги ўрта поғона 29 метр, эстакада қисми 502 метрни ташкил этади. Туннель ва эстакадада қатнов олти, ўрта поғонада эса беш қаторли.

Илгари бу чорраҳа соатига 7 минг автомашинани ўтказиш қувватига эга эди. Энди соатига 20 мингга транспорт воситасини узлуксиз ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Бу ерда светофор ишлатилмаслиги ҳам тўхтовсиз ҳаракатни таъминлайди.

Яна бир жиҳати, янги объект катта юкларни ўзига олиб, Тошкент — Чимён йўналиши бўйича масофани 22 километрге қисқартирди.

— Пойтахтда энгил автомобиллар сони янада кўпайиши аниқ. Шунинг учун эртанги кунни йўлаб, кўчаларни кенгайтириш, кўприклар қуриш ишларини давом эттириш керак, — деди Президент.

Тошкент шаҳрида амалга оширилган бундай улкан бунёдкорлик лойиҳалари пойтахтимизнинг янада ривожланиб, аҳоли яшаши учун қулай шаҳарлардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ХВЖ РАҲБАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!

COVID-19 пандемиясининг салбий оқибатлари бутун дунё ҳамжамиятига таъсир қилаётган бугунги фавқулодда шароитда мен мамлакатингиздаги қийинчилик ва хатарларни енгиб ўтишда Ўзбекистон халқи билан бирдам эканимни билдирмоқчиман. Вирус тарқалишига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш соҳасига харажатларни ошириш, аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида Сиз томондан қўрилган тезкор чора-тадбирлар инқироз таъсирини юмшатишга хизмат қилади.

Халқаро валюта жамғармасининг Ижроия кенгаши жорий ҳафтада ушбу ғоят мушкул вазиятда Ўзбекистонга молиявий кўмак тақдим этишни маъқуллаганидан мамнунман. Ушбу ёрдам Жаҳон банки гуруҳи ва Осиё тараққиёт банкнинг кўмаги билан биргаликда ҳозирги шароитда юзага келган молиявий эҳтиёжларни қондириш имконини беради.

Бугунги кунда Сизнинг бутун сий-ҳаракатингиз, табиийки, коронавирус оқибатларини енгиб ўтишга қаратилган. Шунга қарамай, айни пайтда Ўзбекистонда фаол ва очик бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича ўрта муддатли мақсадларга эришиш йўлидаги ислохотларингизни давом эттираётганингиз мени руҳлантиради.

Кейинги уч йил давомида Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон кенг миқёс-ли, шу жумладан, савдон, нарх шаклланиши ва валюта айирбошлаш курсини ли-

бераллаштириш, давлат молияси ва уни бошқаришдаги салоҳиятни мустаҳкамлаш, молия сектори ва ишбилармонлик муҳитини ислоҳ қилиш бўйича мисли қўрилмаган янгиланишларни бошлади.

Ушбу ислохотлар Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал иқтисодиётга янада интеграциялашувига, бундан-да юқсак, барқарор ва инклюзив тараққиётга эришишига хизмат қилади.

Бугунги шароитда ислохотларни амалга ошириш йўлида мавжуд барча хатарларга қарамай, Сиз иқтисодиётни трансформация қилиш бўйича сиёсатингизни қатъий давом эттиришингизга ишонаман.

Шу муносабат билан ишонтириб айтманки, кейинги йилларда Ўзбекистон ва ХВЖ ўртасида яратилган юксак даражадаги ҳамкорликка таънаган ҳолда, зарур маслаҳат ва техник кўмакни тақдим этиш, мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда молиявий ёрдам орқали Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёримиз.

Мен Жаҳон банки ижро-чи директори бўлган даврдаги ҳамкорлигимизни ва шу аснода Тошкентга ташрифимни илқилиқ билан эс-лайман. Менинг бугунги кун-данги вазифамда ҳам яқин-дан ҳамкорлик қилишимиз-га умид қиламан.

Эзгу тилаклар билан,  
Кристалина ГЕОРГИЕВА,  
Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 28 апрелда қабул қилинган Сенат томонидан 2020 йил 11 майда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги ЎРҚ-600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 9-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 26-банд билан тўлдирилсин:

«26) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси – Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлаб қилинган даъволар ва бериладиган аризалар юзасидан»;

2) 10-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 10<sup>1</sup>, 10<sup>2</sup> ва 10<sup>3</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«10<sup>1</sup>) Ўзбекистон Республикасининг Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг худудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судлар қўриб чиқиши учун бериладиган аризалар юзасидан»;

10<sup>2</sup>) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг худудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судлар қўриб чиқиши учун бериладиган аризалар юзасидан»;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

10<sup>3</sup>) Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун бериладиган аризалар юзасидан»;

3) **15-модда** куйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Давлат нотариал идорасининг хусусий амалиёт билан шуғулланиш истагини билдирган нотариуси хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига доир лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлашдан озод қилинади»;

4) **18-модда биринчи қисмининг иккинчи бандидаги** «давлат нотариал идораси» деган сўзлар «нотариус» деган сўз билан алмаштирилсин»;

5) **20-модданинг:**

**биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин: «Нотариал ҳаракатлар нотариуслар томонидан бажарилганлиги учун давлат божи улар амалга оширилганда ундирилади, нотариал идоралардаги ишларда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг дубликатларини, ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини, нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестридан кўчирмаларни берганлик учун эса улар берилаётганда ундирилади»;

**учинчи қисмидаги** «Давлат нотариал идораси» деган сўзлар «Нотариус» деган сўз билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «Давлат нотариал идораси» деган сўзлар «Нотариал идора» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмининг иккинчи жумласи** куйидаги тахрирда баён этилсин: «Кейинчалик мол-мулкнинг қолган қисмига гувоҳнома берилганда давлат божи унинг аввалги гувоҳнома (гувоҳномалар) берилганлиги учун тўланган қисми чиқариб ташланган ҳолда мутаносиб равишда ундирилади»;

**ўн биринчи қисмидаги** «Давлат нотариал идораси» деган сўзлар «Нотариус» деган сўз билан алмаштирилсин;

**ўн тўққизинчи қисмидаги** «Ижро ёзувлари бўйича ёзувни амалга оширганлик» деган сўзлар «Ижро ёзувларини ёзганлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин; куйидаги мазмундаги **йигирманчи** ва **йигирма биринчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Икки ёки ундан ортиқ шахс номидан ёхуд икки ёки ундан ортиқ шахс номига берилган битта ишончномани тасдиқлашда давлат божи битта ҳаракатга нисбатан ундирилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахсининг битта аризадаги (мажбуриятдаги) имзоларини шаходатлашда давлат божи битта ҳаракатга нисбатан ундирилади»;

6) куйидаги мазмундаги **22<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«22<sup>1</sup>-модда. Давлат хизматларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилишда давлат божи ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ҳар қандай давлат хизматини олиш, шу жумладан лицензия, рухсатнома олиш, давлат рўйхатидан ўтиш ва бошқа хизматлар учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мустақил равишда мурожаат этилганда давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловлар Давлат хизматлари марказлари орқали ёки хизмат кўрсатувчи органларга бевосита мурожаат этилган тақдирда тўланадиган сумманинг 90 фоизи миқдориди ундирилади»;

7) **илованинг:**

**4-банди:**

**«б» кичик банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

б) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида янги қурилган кўчмас мол-мулкнинг олди-сотди шартномаларини тасдиқлаганлик учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан – БҲМнинг 3300 бараваридан кам бўлмаган миқдорда янги қурилган кўчмас мол-мулк сотиб олинганда	шартнома суммасининг 10 фоизи
--	-------------------------------

**«ч» кичик банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

ч) нотариал идораларда мавжуд бўлган нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестридан кўчирмаларни, ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ва дубликатларини берганлик учун	БҲМнинг 5 фоизи
--	-----------------

**«ш<sup>1</sup>» кичик банди** изоҳининг **биринчи хатбосидаги** «Давлат нотариал идораси» деган сўзлар «Нотариал идора» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7-бандининг «а» ва «б» кичик бандлари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

а) адлия органлари томонидан	
халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларини, шунингдек халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини	БҲМнинг 12,5 баравари
республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотларини	БҲМнинг 3 баравари
фаолиятини вилоят ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини	БҲМнинг 1 баравари
фаолиятини туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини	БҲМнинг 50 фоизи
диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари ва диний ўқув юртларини	БҲМнинг 20 баравари
бошқа диний ташкилотларни	БҲМнинг 10 баравари
диний ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказганлик учун	уларни биринчи марта давлат рўйхатидан ўтказганлик учун белгиланган сумманинг 50 фоизи
адвокатлик бюроларини, адвокатлик фирмаларини ва адвокатлар ҳайъатларини	БҲМнинг 2 баравари
адвокатлик бюроларини, адвокатлик фирмаларини ва адвокатлар ҳайъатларини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун	уларни биринчи марта давлат рўйхатидан ўтказганлик учун белгиланган сумманинг 20 фоизи
юридик маслаҳатхоналарни	БҲМнинг 1 баравари
б) Давлат хизматлари марказларида	
чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилганда ёки қайта рўйхатдан ўтказилганда	БҲМнинг 10 баравари
суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, ломбардлар, инвестиция фондларини, «Ўзбекизоққовтазаҳира» мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва фамлаш корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарни, бозорларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик жамиятлари (шу жумладан холдинг) шаклида ташкил этилаётган ҳўжалик бирлашмалари давлат рўйхатидан ўтказилганда ёки қайта рўйхатдан ўтказилганда	БҲМнинг 4 баравари
юридик шахс бўлган тadbиркорлик субъектларини, юридик шахс ташкил этмаган яққа тартибдаги тadbиркорларни, юридик шахс ташкил этмаган оилавий тadbиркорлик субъектларини ҳамда юридик шахслар бирлашмалари давлат рўйхатидан ўтказилганда ёки қайта рўйхатдан ўтказилганда	БҲМнинг 1 баравари

**31-банднинг изоҳи** чиқариб ташлансин; **34-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

<b>34. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи</b>	
қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқариш	
юридик шахслар учун	БҲМнинг 5 баравари
яққа тартибдаги тadbиркорлар учун	БҲМнинг 2 баравари

**40-банди** чиқариб ташлансин;

**42-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

<b>42. Фаолиятнинг айрим турларини Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи</b>	
лотореялар ташкил этиш	БҲМнинг 35 баравари

куйидаги мазмундаги **45 – 48-бандлар** билан тўлдирилсин:

<b>45. Фаолиятнинг айрим турларини адлия органлари томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи</b>	
адвокатлик фаолияти	БҲМнинг 1 баравари
хусусий нотариал фаолият	БҲМнинг 1 баравари

**46. Фаолиятнинг айрим турларини Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи**

нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолияти	БҲМнинг 10 баравари
--	---------------------

**47. Фаолиятнинг айрим турларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи**

дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш	БҲМнинг 10 баравари
---	---------------------

**48. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмалари томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи**

баҳолаш фаолияти	БҲМнинг 4 баравари
риэлторлик фаолияти	БҲМнинг 4 баравари

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2020 йил 20 май № ЎРҚ—619

*Яқинда Ўзбекистон Экологик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Ўзбекистонда кластерлар ва «Экобозор»лар тизимини ривожлантириш бўйича чўқур таҳлилларга асосланган ўрганишлар ўтказди. Шулардан келиб чиқиб, фракция ўз тақлифларини ишлаб чиқди. Бу жараёнлар мамлакат иқтисодиётига нима беради, экологик барқарорлиқни таъминлашда қандай аҳамият касб этади? Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Бирлик АЛИХОНОВ шулар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди ўтди.*

**Нуктаи назар**

— Бугунги пандемия шароитида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари билан барқарор нархларда кафолатли таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Зеро, ҳозирги кунда дунё бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши кузатиляпти. Боз устига, қатор давлатлар ун, буғдой, гурuch, ёғ, картошка ва бошқа маҳсулотлар экспортини чекламоқда. Масалан, жорий йилда Ўзбекистонга ун импорти ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 50 фоиз, галла 31 фоизга камайган.

Ғап шундаки, жорий этилган қарантин ҳамда халқимиз бошига тушган синювлар оқибатлари ҳам бир қатор объектив чеклашларни келтириб чиқарди.

Бинобарин, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, нархлар барқарорлигини таъминлаш ва уларни аҳолига етказиб бериш механизмлари самарадорлигини оширишни талаб этади.

Бу борада Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси муҳим дастуриламалдир. Унга мувофиқ, юқори қўшилган қўйиматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида агрокластерлар ташкил этилаётгани эътиборга олинади.

Нега айнан кластерлар? Келинг, бунга жавоб бериш учун пахтачилик соҳасини мисол қилиб олиб кўрайлик. Айнан мана шундай янгилаш тизимида ўртача ҳисоблар кластер бўлмаган ерларга нисбатан ҳар бир гектар ҳисобига 4,1 центнерга юқори бўлиб, қўшимча 428 минг тонна «ок опти» олинганини кўрсатамоқда. Бундай самара хорижий сармоядорларни ҳам ўзига жалб этади, янгиликларга кенг йўл очади.

Инновацион ғояларни амалга оширишнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, қишлоқ ҳўжалигидаги кластер усули ерни шуғурлаш, экинларни эқил ва парварши қилиш, етиштирилган хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш каби жа-

моҳиятга эга. Мисол учун, Ўзбекистонда 26 минг гектар майдонда боғлар, узумзорлари ва иссиқхоналар қуриш орқали 52 минг, ипакхоналар санаетида 785 минг, қурилиш соҳаси ва инфратўқилмада 75 минг иш ўрни яратиш мумкин.

**КЛАСТЕРЛАР ВА «ЭКОБОЗОР»ЛАР ТИЗИМИ БЎЙИЧА ЭКОПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ НИМА ДЕМОҚЧИ?**

раёнларни ўз ичига олади. Ушбу ягона технология «занжир» корхоналар мажмуасини бирлаштиради ва илмфан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чўқурлаштиришга, янги технологияларни амалиётга жорий қилишга имкон беради. Масалан, пахта-тўқимачилик кластерлари нафақат енгил санаетни, балки озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, фармацевтика, қурилиш материаллари ва бошқа кўплаб соҳаларни қамраб олади. Ушбу тизимнинг пировард мақсади «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» бренди остида юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, аҳолини иш билан таъминлаш орқали уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, экспорт ҳажмини ошириш, валюта тушумини кўпайтириш ва бошқа муҳим муаммоларни ҳал этишдан иборат.

Бундай тамойиллар мева ва сабзавотларни етиштиришга иختисослаштирилган кластерлар яратишга ҳам тааллуқлидир. Шу сабабли мамлакатимизда ушбу йўналишни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилляпти. Энг асосийси, кўриляётган чоратadbирлар муҳим ижтимоий мазмун-

Бугунги кунда мамлакатимизда 80 дан ортиқ турдаги қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотлари етиштирилиб, улар дунёнинг 65 дан зейд мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Жабҳада ютуқлар қатори камчиликлар учраётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Олиб борилган танқидий таҳлиллар шунки кўрсатадики, йилгига ўртача етиштирилган 21 миллион тонна мева ва сабзавот етарли даражада экспорт қилинмай қолмоқда. Маҳсулотларни саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш учун 30 дан ортиқ агрологистик марказни ишлаб чиқариш, фаолият кўрсатётган бўлса-да, айланма маблағларнинг етишмаслиги туфайли улар мавжуд ишлаб чиқариш қувва-тиниинг атиги 15 фоиздан фойдаланган ҳолда фақатгина мавсумий ишламоқда.

Ушбу марказларнинг тўлиқ қувват билан ишламаслиги натижасида, сут маҳсулотлари импорти ҳажми 70 миллион АҚШ долларидан ошди. Хатто томат пастаси, маккажўхори ва яшил нўхат консервалари ҳам импорт қилинаёттир. Ваҳоланки, уларни мамлакатимизда тўлиқ цикл билан ишлаб чиқариш орқали мамлакат эҳтиёжини қоп-

лаш, хатто экспорт қилиш имконияти мавжуд.

Ўртимизнинг барча ҳудудида ҳамкорлик тамойилларига асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналарга бирлаштириш орқали мева-сабзавот кластерларини яратиш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун зарур салоҳият бор. Ўйлаймизки, кластерлар яроқсиз бўлган боғлар ўрнига интенсив боғлар яратиш орқали юқори ҳосил олиш имкониятини беради.

Бироқ жойларда кластерлар фаолияти бир томонлама, асосан, ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган ҳолда амалга оширил-

ҳитни сақлаш ва яхшилашга йўналтирилган, ишлаб чиқариш, сотиш, истеъмол қилиш, қайта ишлаш ва кейинчалик тасарруф этишида бозор эҳтиёжларини қондиради.

Бугунги кунда айнан тозаллиги ва экологик софлиги туфайли мамлакатимиз маҳсулотлари бутун дунёда қадрланади. Масалан, «Ўзбек помидорлари», «Тўғридан-тўғри Тошкентдан келган ширин гилослар», «Самарқанд қовунлари», «Қорақалпоқ дудланган балиқлари» каби ва бошқа маҳсулотлар собиқ иттифоқнинг барча мамлакатлари бозорларида энг яхши харидорларга эга.

Экологик маркетингнинг жорий

шундаки, улар замонавий иситиш ва ҳавонни тозалаш тизимлари, ҳонналар қулай ҳароратни сақлаш учун автоматик тизим билан жиҳозланган бўлади. Экобозорлар ўзларининг санитария ва ветеринария лабораторияларига эга бўлиши лозим. Барча маҳсулотлар пештахтага қўйилишдан олдин энг янги лаборатория жиҳозларида синчковлик билан текширувдан ўтказилади.

Экобозорлар маҳаллий фермерлар билан ишлашга эътибор қаратишлари керак. Таъминотчилар учун имтиёзлар ва чегирмаларнинг маҳсус тизими ишлаб чиқишли лозим. Улғуржи савдога, маҳаллий маҳсулотларни бирламчи қайта ишлаш ва

савдога қайта ишлаш ва маҳаллий фермерлар билан ишлашга эътибор қаратилиши муҳим аҳамият касб этади.

Экологик маркетинг орқали етиштирилган маҳсулотни экспорт қилиш учун кластерларни Ўзбекистон ичидаги охириги истеъмолчи билан, шунингдек, логистика ташкилоти билан боғлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, кластерлар қишлоқ ҳўжалигини жадал ривожлантиришнинг локомотиви бўлиши керак. Мақсад эса ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада ошириш, қўшимча қиймат ва янги иш ўринларини яратиш, энг муҳими, одамларнинг даромадлари ва манфаатдорликларини оширишидир. Фикримизча, бу амалдаги стандартларни қайта қиқишни, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятида давлат иштироки талабларини бекор қилишни ва хусусий сектор иштирокида замонавий бозорларни ташкил этишни талаб қилади.

Тизимли таҳлил, юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш ва кластер усулини татбиқ этишни тақомиллаштириш бўйича тегишли стратегик тавсияларни ишлаб чиқиш учун

ихтисослаштирилган “Заковат фабрикаси” (“Think Tanks”) ёки илмий-тадқиқот институтларини ташкил этиш зарур. Хусусан, илмий тадқиқотлар ўтказиш учун бир вақтнинг ўзида изланишлар ва дивайзини ўз ичига олган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун Ўзбекистон Экологик партияси қошида “Экологик инновацион технологиялар” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифини амалга оширишни тезлаштириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу тузилма: — қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий самарадор, инновацион ғоялар ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш;

— кластерларнинг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасини асослаш;

— маҳаллий иқроия ҳокимияти ва фермерларнинг маҳсулот сотиб олиш ва сотиш ҳажмини оширишга қаратилган ижтимоий шерикликнинг янги шаклларини яратиш;

— илғор хорижий ва миллий кластерларнинг тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш;

— қишлоқ ҳўжалигини ташкил қилиш бўйича ҳар бир вилоят ва туманнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга оладиган тавсиялар ишлаб чиқиш;

— экологик маркетинг доирасида озиқ-овқат маҳсулотларининг асортиментини кенгайтириш ва қўпайтириш бўйича ишлар олиб бориш;

— чиқиндисиз ва экологик хавфсиз янги технологияларни ишлаб чиқиш, яшил маҳсулот истеъмолчилари билан барқарор ва самаларли алоқани яратиш, инновацион қўлаб-қувватлаш каби масалалар бўйича асосли тавсиялар бериши мумкин.

Қишлоқ ҳўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий эттириш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳа бўлгани сабабли уни замонавий талабларга мувофиқ ва стратегик ёндашув асосида ривожлантиришни тақозо қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ПАРЛАМЕНТ ТЕКШИРУВИ

У қандай бўлади?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонун лойиҳалари атрофича кўриб чиқилди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамаси қизгин кечди. Мазкур қонун лойиҳаси парламентнинг назорат функциясини такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Амалдаги "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин. Аммо парламент текширувини ўтказиш бўйича амалдаги тартибда бир қатор камчиликлар мавжуд эди.

Ушбу ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдирish мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти

тўғрисида"ги ҳамда "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунларга ўзгаришлар киритилмоқда.

Лойиҳа билан Олий Мажлис палаталарига мустақил равишда парламент текшируви ўтказувчи комиссияни тузиш ва уни ўтказиш ваколати берилмоқда. Айтиш керакки, Қонунчилик палатаси билан Сенат парламент текширувларини биргаликда ўтказиш ҳуқуқини сақлаб қолмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан қонун ҳужжатларида белгиланган парламент назорати шаклидан бири бўлган парламент текширувини ўтказиш амалиётига ойдинлик киритилади. Олий Мажлиснинг ҳар бир палатасига парламент текширувини ўтказиш заруратига қараб мустақил қарор қабул қилиш имконияти пайдо бўлади. Яъни жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактлар ёки воқеалар юзасидан текширувлар ўтказиш мумкин бўлади.

Мажлисида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Маълумки, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши билан блокчейн ва криптовалюта тушунчалари ҳаётимизга тобора кенгрок кириб келмоқда. Бу, ўз ўрнида, мазкур соҳаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни ҳам тақозо этади.



КРИПТОВАЛЮТА, БЛОКЧЕЙН ВА...

Бугунги кунда мамлакатимизда криптоактивлар айланиши соҳасидаги фаолият давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 2 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари билан ҳуқуқий тартибга солиб келинмоқда.

Куйи палата мажлисида депутатлар айнан криптовалюта билан боғлиқ қўшимча киритиш назарда тутган қонун лойиҳасини кўриб чиқиди. Таъкидлаш лозим, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси парламент куйи палатасига Бош прокурор томонидан қонун ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган.

Қайд этилганидек, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга

қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда, бундай органлар бўлмаган ҳолда эса махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ўз навбатида, криптоактивлар айланиши билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар рўйхатига киритилмаган.

Шу боис лойиҳа асосида мазкур қонунга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қаторига криптоактив айланиши соҳасида фаолиятни амалга оширувчи шахсларни рўйхатига киритишга оид нормани жорий этиш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрига кўра, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда криптоактивлар айланиши соҳасида фаолиятни амалга оширувчи шахслар зиммасига нисбатан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бажариш мажбуриятини юклайди. Шунингдек, криптоактивлар айланиши соҳасида фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун ички назорат қоидаларини қабул қилиш ва тасдиқлашга ҳуқуқий асос яратлади.

Савол-жавоблардан сўнг, сиёсий партиялар фракциялари қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуқтани назарларини баён этишди. Шундан сўнг лойиҳа овозга қўйилди ва қабул қилинди.

"Халқ сўзи".

Сенатор мушоҳадаси

НИМА ШАРОИТ ЗАРУР БЎЛСА, БАРЧАСИ ЯРАТИБ БЕРИЛМОҚДА

Коронавирус пандемияси шароитида юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, глобал иқтисодий инқирозни бартараф этиш бўйича кенг қўламли ва тезкор чора-тадбирлар кўриломоқда. Жумладан, бу борада муҳим ҳужжат ишлаб чиқилиб, ҳаётга илчил татбиқ этиляпти.

Президентимизнинг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ана шу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Унга биноан, микрофирма, кичик корхона, фермер хўжалиги, хунармандлар, яқка тартибдаги тадбиркорларга имтиёзлар берилиши орқали аҳоли иш билан таъминланади ва ўзининг даромад манбаига эга бўлади.

Фармон билан кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликлари учун илҳомий солиқ ставкаси жорий йил 1 майдан 1 июлдан 1 фоизгача камайтирилади. Бунинг натижасида 260 мингдан зиёд корхоналар 650 миллиард сўм маблағни тежашга эришади. Кичик бизнес вакиллари, яқка тартибдаги тадбиркорлар уч ой давомида ер ва мол-мулк солиғидан озод этиляпти. Бу 50 мингдан зиёд тадбиркорларга 300 миллиард сўмни тежаб қолади, деганидир. Мақсад бир, у ҳам бўлса, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Тадбиркорларга боғжона тўловларини 120 кун муддатгача кечиктириб тўлаш имконияти ҳам берилляпти. Бу эса импорт қилаётган ишбилармонларга катта ёрдам бўлади.

Шу билан бирга, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони 2020 йил 1 июндан бошлаб қўшимча 10 фоизга оширилади. Натижада бюджетдан 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилляпти.

Қолаверса, Фармонда маҳсулотга нисбатан ички талабни ошириш илгари сурилган. Яъни фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан қўшимча 2 триллион сўм маблағ йўналтириш назарда тутилган. Булар Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча ҳудудда амалга оширилади.

Қисқаси, бугунги вазиятни инобатга олиб, тадбиркорларга, аҳолига нима шароит зарур бўлса, ҳаммаси яратиб берилмоқда. Бу чора-тадбирлар ҳам кичик бизнес субъектлари, микрофирмалар, фермер хўжаликлари учун жуда катта имконият бўлиб, улар фаолияти ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

АҲОЛИНИ ХАВФСИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири бўлгани боис уни изчил ривожлантириш доимий эътиборда турибди. Хусусан, аграр тармоқ имкониятларидан кенг фойдаланиш, айниқса, экспорт салоҳиятини ошириш иқтисодий тараққиёт кун тартибидеги асосий масалалардан бирига айланган, десак, муволафа эмас.

Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлиги кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам айна мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш юзасидан тегишли "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Унда қайд этилганидек, мамлакатимизда интенсив хўжалик юритиш усуллари натижасида қишлоқ хўжалиги экинларининг йиллик ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ошишига эришилмоқда. "Дин ва ҳаётнинг муносиб муносилиги" мавзусида ўзбекистон — Америка илмий-амалий семинарини келтириш ўринли.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори, профессор И. Усмонов ўз чиқишида бугунги кунда республикада Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, 9 та мадраса, жумладан, 2 та ихтисослаштирилган хотин-қизлар билим юрти, Тошкент православ диний семинарияси, Тошкент протестант семинарияси каби ўқув муассасалари фаолият юритиб келаётганини таъкидлади.

Мамлакатда Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий ҳамда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилган. Вилоятларда қанчалар, ҳадис, фикҳ, ақида ва тасавуф илми мактаблари очилган. Шунингдек, Ўзбекистон тўлиқ Инжил христианлари маркази, Ўзбекистон Инжил христиан баптистлар черковлари иттифоқи фаолият юритмоқда.

"Халқ сўзи".

ДИНИЙ ЭРКИНЛИК СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР МАМЛАКАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ҚИСМИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, соҳадаги тақлиф ва тавсияларни амалга ошириш бўйича 2018 йил 4 майдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма қарорлари билан тасдиқланган "Йўл харитаси" ижроси юзасидан парламент эшитуви видеоконференция тарзида ўтказилди.

Парламент эшитуви

Парламент эшитувида депутатлар, сенаторлар, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари, фуқаролик институтлари, БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А. Шаҳид, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, мазкур бошқарманинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, АҚШнинг Давлат департаменти, мазкур департаментнинг Халқаро диний эркинликлар бўйича комиссияси, "Глобал иштирок институти" халқаро нодавлат ташкилоти, Бригам Янг университети вақиллари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ҳамда халқаро ташкилотлар вақиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов кинчи сўзида 2017 йилнинг октябр ойида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А. Шаҳид 15 йил давомида Ўзбекистонга илк ташриф буюргани, мазкур ташриф ақунларида билдирилган 12 та тавсия эътиборга олинган ҳолда мамлакатимиз парламенти томонидан эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланганини айтиб ўтди.

Таъкидланганидек, пандемия кўп мамлакатларда

диний мурасасизликка олиб келди, нафрат уйғотувчи ҳисларни авж олдириш, вирус тарқалишида бошқа дин ва эътиқод вақилларини айблаш каби ҳолатлар ўткир тус олди. Эътиқод эркинлиги борасида олиб борилаётган туб ўзгаришлар Ўзбекистонда юз бераётган сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг ажралмас таркибий қисми саналади. Бу ўзгаришлар Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг миллатлараро толовлиқ, диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган вазифаларида белгиланган. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган резолюциясининг қабул қилиниши тарихий воқеа бўлди.

Ўз навбатида, А. Саидов сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш, фуқаролик институтларининг ролини кучайтиришда, шунингдек, диний эркинлик соҳасида кўмак бериб келаётган барча халқаро ҳамкорларга миннатдорлик билдирди.

Парламент эшитуви давомида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари А. Тошқулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси А. Аҳмедов ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори И. Усмонов ахборотлари эшитилди.

Адлия вазири ўринбосари А. Тошқулов диний ташкилотларни ҳуқуқий тартибга солишда катта ўзгаришлар рўй бергани тўғрисида тўхталиб ўтди. Хусусан, рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божининг беш бараваргача камайтирилгани, тақдим этиладиган ҳужжатлар сонининг сезиларли қисқартирилгани, диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказувчи органга ҳар чорада ҳисобот бериш бекор қилиниб, бир йилда бир марта таъминот тарзда кискартрилган ҳажмда маълумот тақдим этилиши, адлия органларининг диний ташкилотларни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколати, диний ташкилот томонидан қонун ёки устав талабларига риоя этилмаганлиги учун БХМнинг 100 баравари миқдорига жараима қўллаш тартиби бекор қилинганлиги келтирилди. Янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасига киритилаётган қўшимчалар ва ўзгаришлар ҳақида баътафсил маълумот берилди.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда миллий, хорижий ва халқаро тажриба эътиборга олинганлиги таъкидланди.

Дин ишлари бўйича кўмита раиси А. Аҳмедов "Йўл харитаси"га мувофиқ, амалга оширилган ишлар ва натижалар бўйича маълумот берди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 17 та конфессияга мансуб 2277 та диний ташкилот фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 2094 тасини исломий диний ташкилотлар, шу жумладан, 2067 тасини масжидлар таш-

# Ёшларга оид давлат сиёсати: ЙЎЛЛАР ТУРЛИЧА, МАҚСАД БИТТА...

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 декабрда Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшларнинг илғор вакиллари билан учрашувида Ёшлар иттифоқи негизига Ёшлар ишлари агентлигини ташкил этиш ташаббуси қатнашчилар томонидан илиқ қутиб олинди. Ушбу тузилма эртанинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал этиш билан давлат ташкилоти шуғулланишига имконият яратди. Ҳўш, бу қандай самара беради? Мазкур жабҳада халқаро тажриба қандай?

## Халқаро тажриба



Албатта, бу борада ҳар бир давлат ўзига хос йўл тутди. Фикримизча, мазкур танлов давлат бошқаруви услуби ва халқнинг миллий менталитетидан келиб чиққан. Жумладан, АҚШда йигит-қизларни болалигиданоқ шахс сифатида тарбиялаш асосий мақсаддир. Шу боис ёшларга пухта таълим бериш билан бирга, уларни жамоат ишларига жалб этиш (Youth Service) ва мазкур амалиёт орқали ижтимоий фаоллигини ошириш (Service Learning)га алоҳида эътибор қаратилади. Жараёнда бизнес сектор-

лар, хусусан, турли хайрия ташкилотлари ўз дастур ва лойиҳалари билан қатнашади. Францияда ёшлар сиёсати билан Спорт ва ёшлар ишлари вазирлиги шуғулланади. Ушбу вазирлик ҳудудларда бошқарма ва департаментларга эга. Вазирлик нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб боради. Бундан қўланган мақсад ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашидир. Швецияда ёшлар сиёсати Маданият



«Халқ сўзи» фотожаммасидан.

вазирлиги томонидан амалга оширилади. Мамлакат парламентида Ёшлар давлат кенгаши ҳамда унинг маҳаллий муниципал бўлинмалари фаолият юритади. Швецияда йигит-қизларни иш билан таъминлаш ва меҳнатга махсус тайёрлаш масаласи маҳаллий меҳнат бозори ва бизнеснинг кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб ҳал этилади. Финляндияда ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Таълим вазирлигига юклатилган. Ёш авлод билан ишлашда, асосан, мактаб жамоатчилиги билан ҳамкорликка асосланади. Ёшларнинг фуқаролик ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида Финляндия парламентида мунтазам тарзда икки йилда бир марта (1998 йилдан буён) «Ёшлар парламенти» йиғилади. «Ёшлар парламенти» Мактаб клублари маркази билан биргаликда ташкил этилган.

Канада эса ёшлар сиёсатини амалга оширишда энг барқарор давлатлардан биридир. Бунинг сабаби ушбу давлатдаги Ватерло университети олимлари томонидан ёшларнинг фикри ва қизиқишларини ўрганишга қаратилган илмий эксперимент ва тадқиқотлар мунтазам ўтказилиб, натижалари ҳаётга изчил татбиқ этиб келинаётганидир. Шу боис Канадада навқирон авлоднинг ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий фаоллиги анча юқори.

Хулоса қилиш мумкинки, ривожланган мамлакатларнинг аксариятида ёшлар сиёсати билан шуғулланиш бевосита давлат бошқаруви органлари зиммасига юклатилган. Шу билан бирга, йигит-қизлар муаммоларини ҳал этишда давлат органлари қатори фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этиб келяпти.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсати янги руҳ берилиб, истикболли механизмларни ҳаётга жорий этишда бугунги кунда илғор ва узоқ йиллар давомида синондан ўтган халқаро тажрибага асосланилаётгани барчамизни мамнун қилади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ  
(«Халқ сўзи»).

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,  
юридик фанлар доктори.

# Рақамли таълимни жорий этиш учун шарт-шароитлар юзага келди

Жаҳон бўйлаб тарқалган коронавируснинг мамлакатимизга кириб келиши натижасида халқ таълими тизими ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби ўз фаолиятини янги шарт-шароитларга мувофиқлаштирилмоқда. Албатта, бу ўзгариш осонликча амалга ошаётгани йўқ.

## Бугуннинг гапи

Мазкур жараён фидойи ўқитувчилар, мактаблар директорлари, таълим бошқаруви ходимларининг жонбозлиги, уларнинг давлат раҳбари кўрсатмаларига қатъий амал қилиши туфайли самарадорлик касб эътипти. Энг муҳими, карантин шароитида ҳам барча ўғил-қизларнинг таълим-тарбия олиши давом эттирилмоқда. Бинобарин, халқимиз топиб айтганидек, таълимда та-наффус бўлмади.

Маълумотларга кўра, пандемия шароитида жаҳон миқёсида таълим олиши ўзгаришга қўйилган талабларга қўйиб қўйилган бўлиши мумкин. 2020 ўқув йили якунига қадар теледарслардан Khan Academy платформаси орқали ўзбек тилида фойдаланиш имконияти яратилиши эълон қилинди. Шу тариқа МДХда биринчи бўлиб Ўзбекистонда онлайн таълим бериш платформаси фаолият йўлга қўйилди.

Умуман, масофавий таълим тизими миллий таълимда янги босқични бошлаб берди: рақамли таълимни жорий этиш учун шарт-шароитлар юзага келди.

ЎзМТРК ҳамкорлигида қисқа вақт ичида ўқув дарсларини онлайн тарзда ташкил этишга эришилди. Шу йилнинг апрель ойидан эътиборан барча фанлардан теледарслар ўрта тилда эфирга узатиляпти. Айниқса, қўп болали оилаларга қўлайлик яратиш учун кўшимча равишда дарсларни такрорий эфирга бериш чоралари кўрилди. Яқинда халқ таълим мутасаддилари томонидан 2020 ўқув йили якунига қадар теледарслардан Khan Academy платформаси орқали ўзбек тилида фойдаланиш имконияти яратилиши эълон қилинди. Шу тариқа МДХда биринчи бўлиб Ўзбекистонда онлайн таълим бериш платформаси фаолият йўлга қўйилди.

Умуман, масофавий таълим тизими миллий таълимда янги босқични бошлаб берди: рақамли таълимни жорий этиш учун шарт-шароитлар юзага келди.



Интернет орқали ҳар бир ўқитувчи-ўқувчининг ўзига хос ижодий алоқа қилиш тажрибаси шаклланди. Тошкент шаҳридаги мактабларда эса kundanlik.com сайти орқали «ўқитувчи — ўқувчи — ота-она» ҳамкорлиги схемасида ўзаро мулоқотларга асосланган янги педагогик фаолият шакли яратилди.

Таълим жараёни манзаралари ҳам ўзгарди: олдинлари ўз фарзанди билан суҳбатлашга вақт тополмаётган баъзи оталар бугун ўғли ёки қизи билан биргаликда теледарсларни кузатмоқда, биргаликда вазифаларни тайёрлаб, китоб мутолаа қилмоқда, бадантарбия билан шуғулланмоқда. Бу «Ҳар ишда бир ҳикмат бор» деганларига яқин мисол бўла олади.

Яна бир жиҳати шундаки, халқимиз ҳозирги мураккаб

даврдa тиббиёт ходимларига янада кўпроқ меҳр қўяётгани каби ўқитувчи меҳнати ва фидойилиги қадрига ҳам етаетти. Болага таълим бериш машаққатини хис этмоқда. Шу боис келгусида ота-оналар билан мактаб ўртасидаги фаоллик янада кучайишига, таълим тизими ривожига жамоатчилик иштироки бундан-да юксалишига ишонамиз.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимиз таълим тизими бугун янги ривожланиш босқичига кирди. Бу эса Ўзбекистоннинг тараққий топган давлатлар қаторидан жой олишида муҳим аҳамият касб этади.

Сўхроб ҚИРҒИЗБОВ,  
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

# Ёшлар ишли бўлди

Қорақалпоғистон Республикасида «Мўйноқ келажаги бунёдкорлари» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасининг тегишли қарори ижроси доирасида бўш турган ер участкалари ва захира ерлар ажратилмоқда. Бу қўллаб ёшларни иш билан таъминлаш имконини берапти.

## Имконият

Хусусан, Кўнғирот туманида ушбу жамиятга 500 гектар экин майдони ажратилди. Ушбу ерда иссиқхоналар ташкил этиш, сабзавот маҳсулотлари ҳамда чорва учун озуқабоп экинлар етиштириш белгиланган. Шунинг ҳисобидан 86 нафар ёш ишли бўлди. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг туман бўлими эса зарур техникалар билан таъминлашда яқиндан ёрдамлашяпти.

— Ишсизлик туфайли қийналиб юрган менга ўхшаган ёшлар учун бу жуда катта имконият бўлди, — дейди доимий иш билан таъминланганлардан бири Ислон Маткаримов. — Астойдил меҳнат қилсак, мўмай даромад оламиз. Юртимизга ҳам, оиламизга ҳам нафимиз тегади. Қисқаси, бундай эътибордан ҳаммамиз жуда миннатдоримиз.

Ҳидоят АҲМЕДОВ  
(«Халқ сўзи»).

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,  
юридик фанлар доктори.



## МИКРОКРЕДИТБАНК

### «Микрокредитбанк» — халқаро танловда ғолиб бўлди

«Микрокредитбанк» АТБ «Global Banking & Finance Awards — 2020» танловининг «Мижозларнинг банк хизматидан қониқиб ва мамнунлиги» номинациясида ғолиб бўлди. Ушбу эътироф биз учун янада ривожланишга, сизлар учун эса хизматларимиз бундан-да яхшиланишига катта ёрдам беради, албатта.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, бу йил Ўзбекистоннинг 10 дан ортиқ ташкилот ва молиявий институтлари «Global Banking & Finance Awards — 2020» танловининг турли номинацияларида ғолибликни қўлга киритди.

«Global Banking & Finance Review», бу, онлайн ва босма журналларнинг етакчи нашрларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу журнал дунёнинг 200 мамлакатида ўқилади.

Банк ахборот хизмати.

## Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ—5980-сон Фармони ва 2020 йил 4 майдаги ФЖРМ таъсисчилари кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишининг 2-сон баённомасига мувофиқ тугатилди.**

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг қисқартирилган номи — ФЖРМ. (2019 йил 30 октябрда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти деб номланган, қисқартирилган номи — ФЖШМҚМИ. 2011 йил 12 август 546п-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган).

**Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 71-уй, СТИР: 204607643.**

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази 2019 йил 27 декабрь 546п-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган.

Эътироз ва аризалар эълон қилган кундан бошлаб икки ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 71-уйда қабул қилинади.

**Маълумот учун телефонлар: 71-230-62-92, 71-230-62-45.**

## Халқ сўзи

### Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.  
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламанингиз бўлиши мумкин эди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

## «Халқ сўзи»даги Реклама

«Халқ сўзи»даги Реклама

Бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.35 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6